

Ш.И.Арипов,
сиёсий фанлар номзоди, доцент в.б.¹

ВЕНГРИЯ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ КУТУБХОНАСИДА САҚЛАНУВЧИ “ГУЛ-У НАВРЎЗ” АСАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ХУСУСИДА²

Аннотация: XIV-XV аср туркий адабиётининг ёрқин вакили Мавлоно Лутфийдан бизгачан бир девон ва унга таъриф берилаётган “Гул-у Наврўз” асари етиб келган. Мазкур маснавий шарқ адабиётида анъанавий тарзда ёзиладиган асарлар сирасига киради. Бир гуруҳ олимлар ушбу асарни Ҳайдар Хоразмийга тегишли, десалар, бошқалари Мавлоно Лутфий қаламига мансуб дейдилар. Ушбу масалалар мазкур мақолада ўз аксини топган.

Калит сўзлар: *Мавлоно Лутфий, “Гул-у Наврўз”, Ҳайдар Хоразмий, анъанавийлик, маснавий.*

Аннотация: От видного представителя тюркской литературы XIV-XV вв. Мевлана Лютфия до нас дошло один идван и произведение «Гюль-у Навруз». Этот масневи является одним из традиционно написанных произведений восточной литературы. Одна группа ученых говорят, что оно принадлежит Хейдар Хорезми, другие твердят, что оно принадлежит перу Мевлана Лютфи. Эти вопросы отражены в данной статье.

Ключевые слова: Мевлана Лютфи, «Гуль и Навруз», Хейдар Хорезми, традиция, месневи.

Annotation: From Mewlana Lutfi, a prominent representative of Turkish literature of the 14th-15th centuries, we have one Diwan and the work named “Gul-u Navroz”. This masnevi is one of the traditionally written works of Eastern literature. A group of scholars say that it belongs to Khaydar Khorezmi, while others say that it belongs to the pen of Mewlana Lutfi. These issues are reflected in this article.

Key words: *Mewlana Lutfi, “Gul and Nowruz”, Khaydar Khorezmi, tradition, Masnevi.*

Маълумки шарқ мамлакатларида анъаналарга алоҳида эътибор берилади. Айникса, мусулмон шарқида асар яратишида анъаналарни давом эттириш жуда ҳам кенг ривожланган. Масалан, Низомий Ганжавийинг “Панж ганж” (беш ганж) достонининг яратилиши билан хамсачилик анъаналари шаклланди. Ғазалларнинг шаклланишида ҳам анъаналар умумий бўлиб, маълум бир қолиплар асосида яратилганлигини кўришимиз мумкин. Рубоий, қитъа, мусаллас, мураббаба каби шеърий жанрлар ҳам шундай анъаналар орқали ёзилган.

Шарқ адабиёти тарихида яратилган “Гул-у Наврўз” номли достон ҳам шундай асарлар сафига киради. Адабиёт тарихидан бизга форсий ва туркийда битилган З та

¹ Тошкент давлат шарқшунослик университети Шарқ филологияси ва таржимашунослик факультети, Араб филологияси кафедраси в.б. доценти, сиёс.ф.н. Арипов Шавкат Илхамович.

² Ушбу мақола Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан тузилган ИЗ-2020102832 рақами шартнома билан тасдиқланган, бажарилиши 2021-2023 йилларга мўлжалланган “Европа фондларида сақланा�ётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва “Yevroturcologica.uz” электрон платформасини яратиш” инновацион лойиҳаси доирасида ёзилган.

“Гул-у Наврӯз” асари мавжуд. Уларнинг бири ҳижрий VIII асрда ёзилган бўлиб, унинг муаллифи Жалол Табиб ҳисобланади. Бундан 8 йил ўтиб Хожи Кирмоний томонида “Гул ва Наврӯз” асарининг яна бир варианти ёзилган. Ушбу икки асар форсийда яратилган. Учинчи асар Мавлоно Ҳайдар Хоразмийга тегишли бўлиб, бугунги кунда барчага таниқли бўлган, кўплаб баҳсларга сабаб бўлган ушбу “Гул ва Наврӯз” асари маълум бир давр мобайнида Мавлоно Лутфий қаламига мансуб дея эътироф этиб келинган. Ушбу асар Султон Искандарга бағишиланган³.

Таниқли навоийшунос олим Ёқубжон Исҳоқовнинг “Гул ва Наврӯз” достонининг муаллифи” номли мақоласи кўп йиллар Мавлоно Лутфийга нисбат берилиб келинган асарнинг манбашунослик йўналишдаги теран таҳлили намунаси сифатида қабул қилинади⁴. “Бизни бу масалада Ё.Исҳоқовнинг муаммога ёндашув услуги қизиқтиради. Олим, аввало, мавзуга алоқадор манбаларни синчиклаб ўрганиб, асарни Лутфийга нисбат бериш “Абушқа” лугатига (XVI аср) бориб тақалишини аниқлади: “Дарвоқе, “Абушқа”да бир шоирнинг байтини бошқасига нисбат бериш ҳоллари анчагина учрайди. “Гул ва Наврӯз”дан олинган байтларнинг Лутфий асари сифатида талқин этилиши ҳам шундай хатолардан биридир. Бу хатонинг юзага келиши икки ҳолатдан бири билан боғланган бўлиши мумкин: ё “Абушқа” автори ўзи фойдаланган форсий лугатдаги мавжуд хатони такрорлаган (масалан, Ҳайдар Хоразмий байтининг Навоийга нисбат берилиши каби) ёки “Гул ва Наврӯз”нинг Лутфий девони билан бирга муқоваланган нусхасидан фойдаланган”. Эслатиб ўтамиз, асар матнида ҳам Лутфий тахаллуси учрамайди. Хатонинг юзага келиш сабабларини тўғри ҳал этган олим олдида иккинчи бир масала — асарнинг муаллифи ким, деган мантиқий савол пайдо бўлади. Шарқ поэтикаси қонун-қоидаларидан пухта хабардор олим дикқатини асар матнига ва унинг услугига қаратади: “Ваҳоланки, у ёки бу асарнинг муаллифини аниқлашда (айниқса, муаллиф нусхаси этиб келмаган бўлса — А.Э.) тадқиқотчи учун мавжуд асарнинг услугуб хусусиятлари, унинг таркибида учрайдиган ва маълумот беришга лойик деталлар, шу асарга дахли бор шоир ё ёзувчи ҳақида унинг замондошлари асарларида ёхуд бошқа тарихий-адабий манбаларда учрайдиган муҳим маълумотлар мажмуаси асосий мезон бўлиши лозим. “Гул ва Наврӯз” услугидаги баъзи хусусиятлар (лексика, вазн ва қофия каби-лар)нинг ўзиёқ китобхонда бу асарнинг Лутфий қалами остидан чиққанлигига шубҳа туғдиради». Олим достон матнини синчиклаб кузатиб муаллифнинг тахаллусини аниқлашга муваффак бўлди:

Таваққуъ улдур асҳоби хунардин,
Ки чун файз олсалар бу муҳтасардин
Соғингайлар Муҳибби бенавони
Дуо бирла севиндургайлар они.

³ “O’zbek adabiyoti tarixi” fanidan ma’ruzalar matni. Muallif: H.Allamberganov. – Nukus. 2011. – 57 b.; Aspects of poetic imitation in 15th-17th-century Turkish romances. The case of the “Gul u Navruz”. Ferenc Csirkes. – Pp. 195-196.

⁴ <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/abdurasul-eshonboboev-igna-bilan-quduq-qazib/>

“Бу байтдаги Муҳиб шоирнинг тахаллуси бўлиб, мазкур сўзнинг луғавий маъноси бу ерда ўринсизdir. Умумий контекст ва байтнинг маъноси ҳам мазкур сўзнинг истилоҳий функ-циясини тақозо этади: яъни у билим, хунар эгалари мазкур асарни ўқиб, файз олсалар, бенаво Муҳибни ҳам эсга олиб, дуо билан руҳини шод этишларини илтимос қиласди”⁵.

Асар муаллифи аниқланишида Алишер Навоийнинг “Мажолису-н-нафойис” асаридаги “Мавлоно Ҳайдари туркийгўй анинг модиҳи экандур” байти олинган асарга бориб тақалди. Ушбу асар Низомий Ганжавий асарининг таржимаси бўлган Ҳайдар Хоразмийга тегишли “Махзан ул-асрор”дир. Бу асар ҳам Султон Искандарга бағишланган асар ҳисобланади. Ёқубжон Исҳоқов “Гул ва Наврўз” ва “Махзану-л-асрор” асарларини бир-бирига солиштириб, услубий жиҳатдан бир-бирига ўхшаб кетишини аниқлади. Шунингдек, “Гул ва Наврўз” асарида эътироф этилган Муҳиб тахаллусли шоир ҳам бориб Ҳайдар Хоразмийга тақалиши исботлана бошланди. Шоир қаламига мансуб “Махзан ул-асрор” асарининг бошланиш қисмida ушбу байт учрайди:

Дард керак жондаки кўргай сафо,
Меъда керак, токи сингургай бало.
Сувға балиқ, ўтқа самандар керак,
Фамга **Муҳиб**, дардға **Ҳайдар** керак.

Бу ерда Ҳайдар Хоразмий таҳминан иттифоқ санъатидан фойдаланиб, Муҳиб ва Ҳайдар сўзларини қўллаган.⁶

Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Мухтасар” деб номланган “Аруз рисоласи”да ва Султонмуҳаммад Ҳиравий эса “Равзат ус-Салотин” асарларида ҳам “Гул ва Наврўз” асари Ҳайдар Хоразмийга тегишли эканлиги қайд этилинган. Орадан бироз вақт ўтгандан кейин Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунуну-л-балоға” асари ҳам буни тасдиқлади.

Туркийгўй шоир бўлган Ҳайдар Хоразмий ҳаёти ҳақидаги маълумотлар жуда оз. Тазкиранавислардан бири бўлган, милодий XV асрда яшаб ижод этган Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг “Тазкират-уш-шуаро” асарида, Алишер Навоийнинг “Мажолис-ун-нафойис” ва “Муҳкамату-л-луғатайн” асарларида Ҳайдар Хоразмий ҳақида бир қанча маълумотлар келтирилган. Ҳайдар Хоразмийнинг бизгача етиб келган асарлари саноқли ҳисобланиб, улардан бири “Гул ва Наврўз” достонидир⁷.

“Гул ва Наврўз” ишқий-қаҳрамонлик достони Амир Темурнинг набираси Султон Искандар номига бағишлангани билан бошланади. “Гул ва Наврўз” ёзилган пайтдан юз йил ўтиб унинг нусхаси кўчирилган. Мазкур нусха Мавлоно Лутфий девони билан бир жилдда бўлиб, Муҳаммад ибн Ҳасан Ансорий номли котиб

⁵ <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/abdurasul-eshonboboev-igna-bilan-quduq-qazib/>

⁶ <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/abdurasul-eshonboboev-igna-bilan-quduq-qazib/>

⁷ “O’zbek adabiyoti tarixi” fanidan ma’ruzalar matni. Muallif: H.Allamberganov. – Nukus. 2011. – 57-58 b.

томонидан кўчирилгани маълум. Ушбу нусха ҳозир Лондон шаҳридаги Британия музейи (British museum) кутубхонасида сақланмоқда. Маълум бир давргача бу нусха асарнинг ягона нусхаси сифатида эътироф этилиниб келинди, бироқ ҳозирги даврга келиб асарнинг 10 га яқин нусхалари борлиги аниқланди. Баъзи бир олимлар Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврӯз” асари, форсий Жалол Табибининг “Гул ва Наврӯз” асарининг туркий таржимаси дея таъкидлайдилар, бироқ иккала асардаги фарқлар бунинг аксига ишора қиласди. Воқеалар жараёни бир бирига монанд тарзда кетса-да, асар ичидаги юздан ошиқ бўлган бўлум номлари бир биридан бир мунча фарқ қиласди⁸.

Воқеалар жараёнига тўхталадиган бўлсақ, Навшод мамлакатининг подшохи Фаррух кексалик давригача фарзандсизлик юкини қўтариб юради ва қариганда унга ўғил фарзанд ато этилади. Бу ўғил кўклам чоғида туғилганлиги боис унинг исмини Наврӯз дея атадилар. Наврӯз ақлли, билимдон ва ҳунарманд йигит бўлиб улғаяди. Бир кечада тушада Фархор подшохи Мушкиннинг Гул номли қизини кўриб, унга ғойибона ошиқ бўлади. Машаққатлар билан Фархорга етиб боради. Гул ҳам Наврӯзниң сифатларини ногоҳ эшлиб кўнгил боғлаган бўлади. Бир бирини фақат ғойибдан билган икки подшоҳ фарзандлари бир бири билан учрашадилар. Бироқ у пайтда Гулниң отаси қизини Хитой хоқонига тортиқ қилиб юборган бўлади. Гул ва Наврӯз режа тузиб бирга қочишга муваффақ бўладилар. Икковлари қочиб Ялдо Занги қўлига тушиб қоладилар ва яна Хоқон саройига юборилдилар ва у ерда қамоққа тушдилар. Сўнг яна қочиш учун имкон қидириб топдилар. Аммо мусофирилик барчани ерга қулатади, улар йўл юриб аллақандай дарёга етиб у ердан кечиб ўтаётган пайтда кучли тўлқин сабабли кемалари сувда бўлинниб иккиси турли тараф қирғоққа оқиб борадилар. Гул Адан ерига, Наврӯз эса Яман ерига тушиб қоладилар. Ушбу икки давлат бир бирига душман ҳисобланар эди. Арзимас бир сабаб бўлиб икки давлат бир-бири тарафга қўшин тортиб боришни режалаштира бошлашди ва Адан подшоси ўз лашкарига ҳарб илмидан хабари бор бўлган аёл кишини яъни Гулни лашкарбоши этиб тайинлади, Яман подшоси эса ўз лашкарига Наврӯзни лашкарбоши қилиб тайинлади. Икки тараф бир-бирига қилич ялангочлаб келаётган бир пайтда икки тараф лашкарбошиси бир-бирини таниб қолиб, икки тараф келишувига сабаб бўлдилар. Сўнг Гул ва Наврӯзниң никоҳ тўйлари сабабчи бўлиб 4 давлат бирлашди, яъни Навшод, Фархор, Адан ва Яман давлатлари⁹.

Мана кўриб турганимиздек, достоннинг бош мавзуси ишқ ва бирлиқдир. Асар 1218 байтдан иборат. Асар анъанага кўра асар ҳамд, наът қисмлари билан бошланади¹⁰. Асар баёни эса юқоридагидек.

⁸ Содот, Муниса. «Gul va Navro’z» dostonlari misolida forsiy va turkiy adabiyotlar aloqasi haqida bir tadqiq / Муниса Содот. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 4 (294). — С. 485-489. — URL: <https://moluch.ru/archive/294/66534/>.

⁹ Содот, Муниса. «Gul va Navro’z» dostonlari misolida forsiy va turkiy adabiyotlar aloqasi haqida bir tadqiq / Муниса Содот. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 4 (294). — С. 485-489. — URL: <https://moluch.ru/archive/294/66534/>.

¹⁰ Э.И.Фазилов. Будапештская рукопись “Гуль и Навруз” Лютфи. – Ташкент. 2006. – Стр. 4.

Асарнинг тузилишига тўхталадиган бўлсак, асар ҳазажи мусаддаси мақсур аруз ва зарб ҳажмида:

Мафаилун мафаилун фаъулун

V---/V---/V--

Ушбу қолип туркий достонлар учун анъанавий ҳажм ҳисобланади. Қутбнинг “Хусраф ва Ширин”, Хоразмийнинг “Мұхаббатнома” Хўжандийнинг “Латофатнома” достонлари айнан шу қолипда битилган.

“Гул ва Наврӯз”нинг бир қанча нусхалари мавжуд бўлиб, улар Будапештда (Фанлар академияси кутубхонаси), Парижнинг Миллий кутубхонасида, Вена давлат кутубхонасида, Истанбул Миллий кутубхонасида, Сулаймония кутубхонаси ва Истанбул университети кутубхонасида, Лондоннинг Британия музейи, Оксфорд Бодлеан кутубхонаси ва Кембриж кутубхонасида, Қозондаги қўлёзмалари мавжуд¹¹.

“Истанбулнинг қўлёзма фондларида “Гул ва Наврӯз”нинг учта рўйхати бор. Энг қимматли ва тўлиқ деб тан олингани Сулаймония кутубхонасидаги қўлёзмадир. Ушбу қўлёзмада 39 варак матн бор, асарнинг энг охири ва колофон йўқ. Ушбу қўлёзманинг фотонусхасига кўра, ҳар бир саҳифа ўлчами 13x19 см бўлиб, матн саҳифама-саҳифа икки устунга жойлаштирилган ва қизил рамкалар билан ўралган. Рамкага жойлаштирилган матннинг ўлчами 7,5x14 см. Қўлёзма бошидан охиригача бир кўлда, кичик, тиниқ Ўрта Осиё насталиғида ёзилган. Икки ҳолатда (6,31-варакларда) тушириб қолдирилган байтлар қўлёзманинг четига қўйилган. Ҳар бир варакда 29 дан 32 байтгача, иккита ҳолатда 28 ва 34 байт мавжуд. Охирги саҳифада эса 16 байт битилган. Варақлардаги байтлар сонининг турли эканлиги боб сарлавҳаларининг мавжудлиги билан боғлиқ. Истанбул қўлёзмасида 1055 байт ва 122 сарлавҳа мавжуд. Истанбул қўлёзмасида қадимий тилшунослик луфати, фонетикаси ва морфологияси элементларининг мавжудлиги унинг яратилган санасини Будапешт ва Лондон нусхаларига қараганда узокроқ даврга боғлаш имконини беради.

“Гул ва Наврӯз”нинг Қозон қўлёзмаси Ўрта Осиё қофозида ёзилган. Қўлёзма 29 варакдан иборат бўлиб матннинг боши ва охири йўқ. Сарлавҳалар туркий тилда ёзилган. Ўртacha ҳар бир саҳифа 14 байтга тўғри келади. Байтларнинг умумий сони 800 тани ташкил этади. Ш. Абилов ва З. Мақсадованинг ёзишича, қўлёзма XV аср охирида қайта ёзилган.

Британия музейида сақланаётган Лондон қўлёзмасининг илмий тавсифи Ўрта Осиё адабиётини чуқур билувчи олим Э.Рустамовга тегишли. Қўлёзма тиниқ насх хатида бир кўлда ёзилган. Шунингдек, асарда бир мунча хато ва ноаниқликлар мавжуд. Қўлёзмада юксак маҳорат билан ишланган 10 та миниатюра мавжуд ва бу

¹¹ Э.И.Фазилов. Будапештская рукопись “Гуль и Навруз” Лютфи. – Ташкент. 2006. – Стр. 13.

қўлёзманинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади”¹², деб ёзади Э.Фозилов ўзининг “Гул-у Наврӯз”га бағишланган мақоласида.

Венгрияда сақланаётган яна бир қўлёзмалардан бири бу “Гул-у Наврӯз” (сақланиш рақами: Ms Torok O99) номли асар бўлиб, қўлёзманинг бошланиш варагига (16) “Китоби Гул-ў Наврӯз мин гўфтори Навоий алайҳи-р-раҳма” (كتاب كل) (نوروز من كفتران نوائی عليه الرحمه) деб ёзилган. Матн икки устунга 14 қатордан настаълик хатида, қора сиёҳда ёзилган. Пойгиrlари мунтазам берилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган. Қўлёзманинг муқоваси чармдан ғилофли шаклда ишланган. Қўлёзма жами 82 варакдан иборат. Аҳамиятлиси шундаки, ушбу асар Лутфий, кейинчалик Ҳайдар Хоразмий қаламига мансуб “Гул-у Наврӯз”дан тубдан фарқ қиласди. Фикримизча, Навоий тахаллусли шоир қаламига мансуб бўлиши керак. Чунки қўлёзманинг бошланишида “Навоий” тахаллуси ёзилган. Мазкур қўлёзманинг қайси “Навоий”га тегишлилиги масаласи келгуси тадқиқотлар мавзуси ҳисобланади.

Нима бўлганда ҳам юқорида номлари келтирилган қўлёзма асарлар ватанимиз, тилимиз тарихи, юртимиз адабиётига оид қимматли асарлар саналади. Уларнинг келгусидаги тадқиқоти адабиётимиз тарихини янада очиқлашга йўл очади.

Бу каби ноёб ва ўрганилмаган ёзмаа манбаларни тадқиқ этиш ўзбек мутахассис ва олимлари учун истиқболли режалар қаторида туради. Зоро, Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида келтирилган вазифаларни амалга оширишда мазкур грант лойиҳаси бир босқич вазифасини ўтайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори: <https://lex.uz/docs/3211987>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори: <https://lex.uz/docs/4791086>

3. “O‘zbek adabiyoti tarixi” fanidan ma’ruzalar matni. Muallif: H.Allamberganov. – Nukus. 2011.

¹² Qarang: Э.И.Фазилов. Будапештская рукопись “Гуль и Навруз” Лютфи. – Ташкент. 2006. – Стр. 13-16.

8. Aspects of poetic imitation in 15th-17th-century Turkish romances. The case of the “Gul u Navruz”. Ferenc Csirkes. – Pp. 195-196.
9. Э.И.Фазилов. Будапештская рукопись “Гуль и Навруз” Лютфи. – Ташкент. 2006.
10. Содот, Муниса. «Gul va Navro‘z» dostonlari misolida forsiy va turkiy adabiyotlar aloqasi haqida bir tadqiq / Муниса Содот. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 4 (294). — С. 485-489. — URL: <https://moluch.ru/archive/294/66534/>.
11. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/abdurasul-eshonboboev-igna-bilan-quduq-qazib/>